



Ислом Нури

Сўз боши

Барча оламларнинг хукмдори, меҳрибон ва раҳмли, киёмат кунининг подшоси бўлмиш Аллоҳ таъолога ҳамду санолар бўлсин, яхши оқибат такво эгалари ва халокат адолатсиз кимсалар учундир.

Парвардигорим, ўз банданг - расулинг Мухаммад Соллаллоху алайхи васаллам ҳамда у кишининг аҳли ҳамда саҳобаларига Сенинг раҳмат ва марҳаматларинг бўлсин.

Шариат мусулмон аёлнинг мавкеини кўтарадиган ва иффатини сақлаш учун қафолат берадиган улкан гамхўрликларни ўз зиммасига олади.

Шариатда аёл либоси ҳамда зийнатларини муҳофаза қилиб чегаралашдан мақсад ҳар қандай бузуклик ва ҳаёсизликка олиб борувчи омил ҳисобланмиш аёл гўзаллигини кўз-кўз қилинишининг олдини олишдир. Бу соҳада Ислом қонунлари ҳар қандай ҳолатда ҳам аёл эркини асло чекламайди, аксинча уни ҳорлик ва разиллик боткоғига ботиб қолишдан муҳофаза қилади. Шу билан бирга Ислом аёлни бегона номаҳрамларнинг назаридан сақлайди.

Эй менинг муслима опа-сингилларим, ушбу рисолада биз хижобнинг фазилатлари ҳақида сўз юритмоқчимиз, токи хижоб барча учун кадр-қимматли ва мўътабар бўлиб ҳисоблансин. Шунингдек, бу китобда хижоб тутувчиларнинг мунаввар тақдирлари ҳақида хушхабар берамиз. Биз ўзни кўз-кўз қилишнинг ёмон оқибатлари ҳақида сўз юритмоқчимизки, бу нарсадан инсонларни қайтариш ва шу қаби ҳаёсизликларнинг бу дунёда ва у дунёдаги оғир оқибатларидан огоҳ қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.



Ислом Нури

Мутлак сакловчи зот Аллох таъолога беадад хамду санолар бўлсин ва Аллох Ўзи биз учун хар ишда кифоядир.

Хижобнинг фазилятлари

Хижоб Аллох таъолога ва Унинг пайгамбарига бўлган итоатни ифодалайди. Аллох таъоло Ўзига шунингдек, пайгамбарига итоат килишни барчамизга амр килди: **«Аллох ва Унинг пайгамбари бир ишни хукм килган - буюрган вақтида бирон мўъмин ва мўъмина учун(Аллохнинг хукмини кўйиб) ўз ишларидан ихтиёр килиш жоиз эмасдир. Ким Аллох ва Унинг пайгамбарига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озиш билан озибди.»** (Ахзоб сураси, 36-оят).

Аллох таъоло мархамат килиб айтадики: **«Йўк, Парвардигорингизга касамки, то улар ўзларида чиккан келишмовчиликларда сизни хакам килмагунларича ва кейин сиз чиқарган хукмдан дилларида хеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйинсунмагунларича зинхор мўъмин бўла олмайдилар»**(Нисо сураси, 65-оят).

Аллох таъоло аёлларга хижоб тутишни буюрди. Кодир ва Олий зот бўлган Аллох таъоло айтадики: **«Мўъмина аёлларга хам айтинг, кўзларини (номахрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (харомдан) сакласинлар! Хамда кўриниб тургандан бошка зеб-зийнатларини (яъни устиларидаги либосларидан бошка зеб-зийнатларини номахрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!...».** (Нур сураси, 31-оят). **«Ўз уйларида барқарор бўлинглар (яъни бесабаб ўз уйларида ташқарига чикманглар, магар бирон бир хожат**



Ислом Нури

учун чикканларингизда эса) илгариги динсизлик(даври)даги ясан-тусан каби ясан тусан килманглар!» (Ахзоб сураси, 33-оят).

Шунингдек, Аллох таъоло айтади: **«...Качон сизлар(пайгамбар аёлларидан) бирон нарса сўрасангизлар парда ортидан туриб сўранглар. Мана шу сизларнинг дилларингизни хам уларнинг дилларини хам тоза тутгувчирокдир»** (Ахзоб сураси, 53-оят).

Шунингдек, Олий зот: **«Эй пайгамбар, жуфтларингизга, кизларингизга ва мўъминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчикларини ўрасинлар!»**(Ахзоб сураси, 59-оят) – дея мархамат килади.

Расулulloх Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: **“Аёл авратдир»**. Бу эса аёлнинг мастура – ўранган бўлиши кераклигини англатади.

Хижоб - бу иффат

Аллох таъоло аёлнинг хижоб тутишини иффат рамзи деб белгилади. Аллох айтади: **«Эй пайгамбар, жуфтларингизга, кизларингизга ва мўъминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчикларини ўрасинлар! Мана шу уларнинг (чўри эмас, балки озод аёллар эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг якин(воситадир)»** (Ахзоб сураси, 59-оят).

Аллох таъоло фитнага сабаб ва бировларни ўзига жалб килиш ёшидан ўтган кекса аёллар хижоб ёпинмаган холда, юз ва кафтларининг очик бўлиши жоизлигини билдириб айтади: **«Хотинлардан кексайиб колган, эрга тегишни ўйламайдиганлари бирон бир зеб-зийнатлари билан ясанмаган холларида кийимларини (яъни**



Ислом Нури

рўмол-ёпинчикларини) олиб кўйишларида уларда гунох йўқдир.» (Нур сураси, 60-оят).

Лекин оятнинг давомида Аллоҳ кекса аёллар учун афзалрок ва маъкулрок бўлган нарсани ойдинлаштириб баён қиладики: **«Ўзларини пок (яъни рўмол, ёпинчикларда) тутишлари ўзлари учун яхшироқдир»**(Нур сураси, 60-оят), яъни у аёллар учун устки ёпинчиклари(хижоб-тарж.)да юришлари афзалроқдир. **«Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчидир».** (Нур сураси, 60-оят)

Ушбу тарика Аллоҳ хижобни ифбатнинг аломати эканлигини маълум қиладики, хатто бу либос кекса аёллар учун ҳам лозим топилди. Энди фитнанинг уяси бўлган ёш кизлар хақида нима дейиш мумкин?

Хижоб-бу поклик

Аллоҳ таъоло айтади: **«... Качон сизлар(пайгамбар аёлларидан) бирон нарса сўрасангизлар парда ортидан туриб сўранглар. Мана шу сизларнинг дилларингизни ҳам уларнинг дилларини ҳам тоза тутгувчироқдир»** (Ахзоб сураси, 53-оят).

Аллоҳ хижобни мўъмин ва мўъминалар калбидаги поклик каби тасвирлади. Зеро, кўз бирон бир нарсани кўрмаса, калбда ҳам ҳеч қандай номаъқуллик кечмайди. Модомики кўз бирор нарсага тушар экан, калб ҳам бирор нарсани хохлаши ёки аксинча хохламаслиги ҳам мумкин. Бундан келиб чиқадики, калб ҳам кераксиз, номаъкул нарсаларга гувоҳ бўлмаслиги лозимдирки, зеро бу нарса кишини йўлдан оздиради. Хижоб хатто калбида марази бор кишиларнинг ҳам шахватини ман қилади. **«Бас, сизлар (парда ортидан бирор номахрам эркакка жавоб қилган пайтларингизда) майин-**



Ислом Нури

назокатли сўз килмангларки, у холда кўнглида мараз-нифок бўлган кимсалар тамаъ килиб колур. Яхши-тўғри сўзни сўзланглар»(Ахзоб сураси, 32-оят).

Хижоб бу химоя, такво ва иймондир

Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Аллох таъоло хаёли, кўздан яшириндир ва кўздан яширин(бўлишни)ёктиради.*

Шунингдек, Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам: *«Аллох буюк ва кодир зотдир. У зот либосини ўз уйидан бошка ерда ечган аёлни ўз химоясидан махрум килади»* – дея мархамат киладилар.

Аллох таъоло айтади: **«Эй Одам болалари, Биз сизларга авратларингизни беркитадиган либосни хам, ясан - тусан(либосини) хам туширдик. (Хаммасидан) яхшироқ либос такво либосидир»** (Аъроф сураси, 26- оят).

Аллох таъоло хижоб хакида сўз юритар экан, хусусан, мўъмина аёлларга карата хитоб килади: **«Мўъмина аёлларга айтинг» (Нур сураси, 31-оят),» «...ва мўъминларнинг аёлларига...»** (Ахзоб сураси, 59-оят).

Бани Тамим авлодидан бўлган аёллар энсиз тор кийимларини кийган холларида Оиша (Аллох у кишидан рози бўлсин) онамизнинг хузурига келганларида у киши у аёлларга айтдиларки: *«Агар сизлар иймонли аёллар бўлсангиз, бу либослар мўъмина аёлларнинг либоси эмас. Агар сизлар иймонсиз бўлсангиз, у холда бу либосларингиз билан хузурланиб юраверинглар».*



Ислом Нури

Хижоб бу хаё ва аёл номусининг калкониدير

Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам шундай деганлар: *«Хар бир дин ўзига хос хусусиятга эга. Исломнинг ўзига хос хусусияти хаёдир».*

Шунингдек, у киши айтганларки: *«Хаё иймондандир, иймон эса жаннатда...».* Яна Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганларки: *«Хаё ва иймон ўзаро чамбарчас богликдир. Агар ушбу икки сифатдан бири йўк килинса, иккинчиси ҳам ўз-ўзидан йўк бўлиб кетади».*

Оиша (Аллох у кишидан рози бўлсин) хикоя киладилар: *«Расулуллох ва отам дафн килинган уйга – дахмага кирганимда бу ерда ўз отам ва эрим бор, деган ўй билан устимдаги ёпинчикни олиб кўяр эдим. Кейинрок бу дахмага Умар дафн килинган, ундан хаё килиб ёпинчикка ўранган холда кирадиган бўлдим».* Бундан маълум бўладики, хижоб аёл табиатига хос бўлган хаё билан уйгунлашади.

Шунингдек, соғлом фикрли, эс-хуши жойида ва ўз аёли ёки кизини турли хил нопок назарлардан мухофаза киладиган эркакнинг аёл номусини химоя қилиш деган табиий туйғуси билан хижоб тўла мос келади.

Жоҳилият ва ислом давридаги кўпгина конли тўқнашувларнинг асосий сабаби – аёл номуси ва эркини саклаш эди.

Ўзни кўз-кўз қилишнинг иллатлари

Ўзни кўз-кўз қилиб намоиш этиш Аллох ва Росулига осийлик бўлиб хисобланади.



Ислом Нури

Дархакикат, кайси бир кимса Аллох хамда Пайгамбарга бўйсунмас экан, факат ўзигагина зарар келтиради ва бу билан у киши Аллохга ҳеч қандай зиён етказолмайди. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Умматимнинг барчаси жаннатга дохил бўлади, магарам жаннатдан бош тортувчиларгина унга кирмаслар».*

Расулуллох Соллаллоху алайхи васалламдан сўрадилар: Эй Расулуллох, жаннатдан бош тортувчилар ҳам борми? У киши жавоб бердилар: *«Кимки менга итоат этса, жаннатга киради. Модомики менга итоат этмас экан, жаннатга киришдан ҳам бош тортибди».*

Ўзни кўз-кўз қилиш кишини лаънатга дучор қилади ва аллохнинг раҳматидан маҳрум қилади

Умайя бинт Рукайка розияллоху анҳо Расулуллох Соллаллоху алайхи васалламнинг хузурига исломга содиқлиги ҳақида қасамёд қилиш учун келганида Расулуллох унга дедилар: *«Мен сендан қуйидаги шартларга биноан қасамёдингни қабул қиламан: Аллохга ҳеч нарса ва ҳеч кимни шерик қилмайсан, ўғрилик, зино, гийбат ва тухмат қилмайсан, фарзандларингни ўлдирмайсан, марҳумлар устида дод солиб йиғламайсан, жоҳилият даврингдаги қаби ўзингни кўз-кўз қилмайсан».*

Бу ерда Расулуллох ўзни кўз-кўз қилишни энг дахшатли, ҳалок қилувчи гуноҳлар қаторида санаб ўтдилар.

Ўзни кўз-кўз қилиш қиёмат кунинда зулмат-қоронғуликдир

Расулуллохдан ривоят қиладиларки, *«Ўз гўзаллигини бировлар олдида намоиш қилувчи аёл қиёмат кунинда дахшатли, нурсиз зулмат кўринишида бўлади».* Бунинг маъноси шундан иборатки, беҳаё ва ўз



Ислом Нури

либосини магрурларча намойиш килаётган аёл киёмат кунда гўё дахшатли коронгуликдан яралган каби коп-кора кўринишда намоён бўлади. Гарчи бу хадис ўз ишончилиги жихатидан заиф бўлса ҳам, унинг мазмуни ҳақдир. Гап шундаки, гуноҳ иш килиш мобайнидаги лаззат азоб билан, роҳат укубат билан, тўқлик очлик билан фаровонлик йўқчилик билан ёруглик зулмат билан жазоланади. Бунинг акси ҳам бўлиши мумкинки, рўзадор кишининг огзидан келаётган хид ёки Аллоҳ йўлида қурбон бўлган шахиднинг қони киёмат кунда мушк-анбарнинг хидидан кўра ёқимлироқ, хушбўйроқ деб эътироф қилинади.

Ўзни кўз-кўз қилиш - мунофиқлик

Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб марҳамат қилганлар: *«Аёлларингизнинг энг яхшиси, Аллоҳдан такво қилувчи меҳрибон, хушмуомала, серфарзанд ҳамда юмшоқтабиат ва ҳамдарад бўлувчи аёллардир. Аёлларингизнинг энг ёмони ўзини кўз-кўз қилувчи ва мутақаббир аёллардирки, улар мунофиқдирлар. Бу каби аёллардан жаннатга факат «ок қарга» ўхшаганларигина қира оладилар»*. Ушбу хадисда Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам бу каби аёлларнинг жаннатга қамдан-қам қиришларини таъкидлаб улар учун «ок қарга» иборасини қўчма маънода ишлатганлар. Аслида ҳам ок қарга табиатда жуда қам учрайдиган қушдир.

Ўзни кўз-кўз қилиш беҳаёлик ва шармандалиқдир

Расулуллоҳ дедилар: *«Ўз эрининг уйдан бошқа ерда либосини ечган аёл Аллоҳ ва ўзи ўртасидаги пардани йиртибди. Албатта, Аллоҳ ҳар ишга Қодир ва Буюқ зотдир»*.



Ислом Нури

Ўзни кўз-кўз килиш бузукликдир

Аввалда таъкидлаганимиздек, аёл авратдир. Авратни очмок жирканч ва разил ишдир: «Улар қачон бузук иш қилсалар: **«Ота-боболаримизни шундай холда топганмиз. Буни бизга Аллох буюрган»**, дейдилар. Айтинг (Эй Мухаммад) **Аллох ҳеч қачон бундай бузук ишларга буюрмайди»** (Аъроф сураси, 28-оят).

Шайтондан бошқа ҳеч ким бу каби бузукликлар қилишга қорламайди: **«Шайтон сизларни камбағал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фахш ишларга буюради»** (Бақара сураси, 268-оят).

Ўзини кўз-кўз қилувчи аёл жамиятда бузукликларни тарқатувчи хавфли ва зарарли бактерия қабидир. Аллох таъоло айтади: «Мўъминлар орасида бузукликлар тарқатишни яхши кўрган қимсалар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам аламли азобга гирифтордирлар. Аллох билувчи, сизлар эса билмасизлар».

Ўзни кўз-кўз қилиш шайтон йўлидир

Одам алайҳис салом билан Хавво ҳамда Аллохнинг душмани Иблис орасида бўлган воқеалар шунинча маълум қиладики, Иблис ҳамма ерда ахлоқсизликни ёйиш ва одамларнинг авратларини очишга ҳаракат қилади. Иблиснинг асосий мақсади инсонларни ҳаёсиз қилиш ва ўзларини кўз-кўз қилишга ўргатишдир. Аллох таъоло айтади: **«Эй Одам болалари, Шайтон оталарингизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш (яъни уятли ахволга солиш) учун либосларини ечиб жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин»** (Аъроф сураси, 27-оят).



Ислом Нури

Ушбу тарика Иблис ўз-ўзини кўз-кўз килиш ва ёпинчикларни ечишга бўлган даъватнинг асосчиси бўлди. Шунингдек, хозирда «аёл озодлиги» деб номланаётган сохта шиорларнинг ҳам раҳнамози Иблиснинг ўзидир. У ўзига итоат килувчи ва Аллоҳга осийлик килувчиларнинг имоми-раҳнамосидир. Булар (яъни Аллоҳга осийлик килиб Шайтонга итоат этувчилар) биринчи навбатда ўзини кўз-кўз килувчи, мусулмон ёшларни йўлдан оздирувчи беҳаё аёллардир. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтадилар: *«Мен ўзимдан кейин эркакларга аёллардан кўра хавфлироқ фитнани колдирмадим».*

Ўзни кўз-кўз килиш яхудийлар усули

Яхудийлар халкларни аёл фитнаси ёрдамида бузиш бўйича ниҳоят даражада муваффақият қозондилар. Аёлнинг ташки гузаллигидан фойдаланиш ер юзидаги яхудий ташкилотларининг энг синалган ва энг ишончли қуроли ҳисобланади. Бу соҳада улар анчагина бой тажрибага эгадирлар. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Дунё ишларида эҳтиёткор бўлинглар шунингдек, аёллар масаласида ҳам эҳтиёт бўлинглар. чунки Бани Исроилдаги биринчи низо аёллар туфайли содир бўлди».*

Расулуллох Соллаллоху алайхи васалламнинг кофирларга ўхшашдан ва аёллар масаласида уларга эргашишдан қайтарганига қарамай, кўпчилик мусулмонлар бу қайтарикка амал қилмаяптилар. Шундай қилиб Расулуллохнинг башоратлари рўёбга чиқди. У киши айтганлар: *«Сизлар аввалги халкларнинг изидан эргашасизлар. Хатто улар доб.нинг унига қирсалар ҳам ортидан эргашиб қирасизлар. Расулуллохдан сўрадилар: Булар(аввалги халклар-тарж.) яхудий ва насороларми? Расулуллох жавоб бердилар: Яна ким бўлмаса?!».*



Ислом Нури

Аллох ва Расулига бўйсунмай, яхуд ва насороларга кўр-кўрона эргашаётган аёллар Аллохнинг буйругини «эшитдик ва итоат этмадик» дея карши олиб Аллохнинг газабига дучор бўлган яхудийларга нақадар ўхшамасалар. Шунингдек, бу каби аёллар Аллохнинг амрини эшитгач, «эшитдик ва итоат этдик» дея жавоб бераётган ҳақ муслима аёллардан нақадар узок бўлмасалар. Аллох таъоло айтади: «Ким ҳақ йўлни билганидан кейин пайгамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларида бошқа йўлга эргашиб кетса, Биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у.» (*Нисо сураси, 115-оят*).

Ўзни кўз-кўз қилиш жоҳилиятдир

Аллох таъоло айтади: «Ўз уйларида барқарор бўлинглар (яъни бесабаб ўз уйларида ташқарига чиқманглар, магар бирон бир хожат учун чиққанларида эса) илгариги динсизлик(даври)даги ясан-тусан каби ясан тусан қилманглар!» (*Ахзоб сураси, 33-оят*).

Расулulloх жоҳилият (исломдан аввалги) давридаги каби қийқирикларни ифлос ва жирканч амаллардан деб номлади ва бу даврдан юз ўғиришимизни буюрдилар. Қуръонда Пайгамбар алайҳис салом ҳақида шундай дейилган: «У пайгамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда улардан юқларини ва устларидаги қишанларини олиб ташлайди.» (*Аъроф сураси, 157-оят*).

Худди шу каби ўзни кўз-кўз қилиш жирканч ва разил ишдирки, бу нарсавалги жоҳилият даврининг удуми эди. Расулulloх бизни бу нарсадан қайтариб дедилар: «*Мен жоҳилият давридаги барча*



Ислом Нури

нарсани бекор килдим». Бу хадис ўзини кўз-кўз қилиш, жоҳилият пайтидаги каби ёрдам сўраб қийқириш, гийбат, гумонсираш, такаббурлик ва судхўрлик каби амалларни ўз ичига олади.

Ўзни кўз-кўз қилиш бу хайвонлик, колоқлик ва маънавий бузукликдир

Ёпинчиксиз ва яланғоч юришга интилиш фақат хайвонларгагина хос бўлган тугма хусусиятдир. Инсонларда эса бундай хусусият фақат тубан кишилардагина бўлиши мумкин. Бу каби инсонларнинг ҳаё ва хижоб қийиш хусусидаги онг савиялари ҳаё ва ўранишликка нисбатан табиий равишда муҳаббат хисси билан Аллоҳ шарафлаган инсон онгининг савиясидан анча тубандир. Ўз зийнатларини кўз-кўз қилишни, ахлоқсизликни ҳамда ҳаёсизликни гўзаллик деб ҳисоблаш бу – инсоннинг табиий хусусиятиларининг бузилишидан ўзга нарса эмас. Холбуки, бу нарса жоҳиллик ва маънавий бузуклик белгисидир. Инсоннинг маънавий юксалиши унинг ўз авратини либос ёрдамида ёпиши билан чамбарчас боглик. Инсониятнинг либос билан ўраниши ҳамиша тараккиёт маҳсули бўлиб келган. Шунингдек, аёлнинг хижоб билан ўраниш инстинкти кишининг иймонидан қувват олувчи инстинкт – ўз номусини ҳимоя қилиш инстинкти билан тўла мувофиқ келади.

Авратни либос билан ўрашдан қочиш масаласига келсак, бу ҳол ўз гўзаллигини кўз-кўз қилиш ва икки жинсни ўзаро шахвоний ишларга ундовчи, хирсдан қувват олувчи инстинктдир. Бундай ишга интилган ва бунга рози бўлган ҳар қандай кимса калбидаги ўз номусини саклаш хиссини йўқотади. Шунингдек ўша киши бунинг эвазига бузук аёлларнинг кўз-кўз қилаётган гўзаллиги ва номаҳрам аёл билан зино қилиш орқали жирканч маҳлуқка айланади. Бундан келиб чиқадики, суюқоёқлик ва ўзни кўз-кўз қилиш инсоний хусусиятларнинг йўқ



Ислом Нури

бўлиши, беҳаёлик, кизганиш хиссининг йўқолгани ва хиссиётнинг заифлашуви, хис-туйгуларнинг нобуд бўлганидан нишонadır.

Ўзни кўз-кўз қилиш тез авж оладиган ёмонликка кенг йўл очиб беради

Шариат ва тарихни диққат билан ўрганган киши шунга амин бўладики, гўзалликни кўз-кўз қилиш бу бузукликдир. Бу нарса динга ҳам, дунёга ҳам баробар зарар келтиради. Агар икки жинс андишасизларча фахш ишга машгул бўлса, иш яна ҳам ёмон тус олади. Бунинг ёмон оқибатлари қуйидагилар:

Суюкоёқлар турли-туман беҳаё либослар, зийнатлар билан эркақларнинг эътиборини тортиш учун ясан-тусан қиладилар. Бу эса маънавийнинг тубанлашуви ва пулларни харомга сарфлашга олиб келади. Бунинг оқибатида аёл жирканч ва арзимас савдо молига ўхшаб қоладики, уни хар кимга таклиф этиш ва хар ким кўздан кечириб чиқиши бўлган матохга ақланади.

Эркақларнинг маънавий бузилиши. Бу хол ёшларни биринчи навбатда ўспиринларни фохишабозлик ва турли харом ишларни қилишга ундайди.

Оилавий алоқаларнинг узилиши, оилада ўзаро ишончнинг йўқолиши ва ажралишлар сонининг кўпайиши.

Аёлни реклама ашёси сифатида сотиш ёки унинг савдо тизимларида харидорларни чақириш воситаси бўлиб қолиши.

Аёлни обрўсизлантириш, ёмон ният ва айёрона мақсадларда уни барчага намойиш қилиш. Бунинг оқибатида аёл юзсиз ва ёвуз қишиларнинг тажовузига дучор бўлади.



Ислом Нури

Турли хил касалликларнинг таркалиши. Бу ҳақда Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Кайси бир кавмда фахш пайдо бўлса ва улар ўша иш билан очикдан очик шугулланишлари билан дархол улар орасида уларнинг ота-бобларида бўлмаган ўлат касаллиги ва бошқа касалликлар таркалади».*

Нигоҳ билан зино қилиш кенг таркалади. Расулуллох айтганлар: *«Кўз нигоҳ зиносини амалга оширади».* Бу ҳолатларда Аллох таъолонинг раҳматига эришиш мақсадида шариатнинг бегона аёллардан нигоҳни олиб қочиш ҳақидаги буйруғини амалга ошириш қийинлашади.

Башарият учун Аллохнинг оммавий киргин балосини юбориш хавфи. Бунинг оқибати атом қуроллари ёки зилзилаларнинг асоратидан ҳам хавфлироқдир. Зеро Аллох таъоло шундай деган: **«Биз қачон бир шаҳарни ҳалок қилишни хоҳласак, унинг боёнларини (Ўзимиз юборган пайгамбарга итоат этишга) буюриб, улар итоатсизлик қилишгач, у шаҳар (аҳолиси) устига Сўз(азоб тушиши) вожиб-муқаррар бўлур»** (Ал-исро сураси, 16-оят).

Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Агар инсонлар ёвузликни кўриб, уни ман қилмасалар, улар Аллохнинг азоби тушишига яқинлашибдилар».*

Шариат талаб қилган хижобнинг зарурий шартлари

1. Хижоб аёлнинг бутун танасини ёпиб туриши керак, шу каторда ҳар эҳтимолга кўра юзини ва қафтини ҳам.
2. Хижобнинг ўзи безак, зеб-зийнат бўлмаслиги керак. Аллох таъоло бу ҳақда шундай деган: **«Кўриниб тургандан бошқа зеб-**



Ислом Нури

зийнатларини (яъни устларидаги либосдан бошка зеб-зийнатларини номахрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмол билан тўссинлар» (Нур сураси, 31-оят).
«...илгариги динсизлик (даври) даги ясан-тусан каби ясан-тусан килманглар!» (Ахзоб сураси, 33-оят). Аллох хижобни аёлнинг гўзаллиги, зийнатларини беркитиб туриши учун мажбурий килди. Шунинг учун ҳам хижобнинг ўзи зийнат, ясан-тусан бўлиши аклсизлик хисобланади.

3. Хижоб кадди-коматни намоён киладиган даражада юпка матодан бўлмаслиги керак ва кўзга ташланмайдиган тусда бўлиши лозим. Факат шу холдагина аёлнинг хакикий ўранишига (хижобланишига) эришиш мумкин. Юпка хижоб аёлни номигагина ўрайди. Аслида эса у ялангоч холдадир. Расулulloх Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Умматимнинг охирида ясан-тусан килиб кийинган – ялангоч(ярим ялангоч) бошлари туянинг ўркачига ўхшаш кийшайган аёллар бўладилар. Уларни лаънатланглар, чунки улар малъун(яъни лаънатланган)дирлар».* Бошка бир хадисда бунга кўшимча равишда шундай дейилган: *«Улар харгиз жаннатга кирмайдилар, хатто хидини ҳам хидламайдилар. Холбуки, унинг хиди бир канча масофадан туриб сезилади».* Юкорида келтирилган фикрлардан маълум бўладики, нафис, харир, коматларини кўрсатиб турувчи кийим кийиш каттик, халокатли гунохдир.

4. Хижоб кенг бўлиши, тор бўлмаслиги лозим. Чунки ундан мақсад атрофдагиларни ўзига жалб килишдан сакланишдир. Тор хижоб аёлнинг бутун коматини намоён килади. Бундай аёлга назари тушган эркак аёлнинг бутун кадди-коматини кўз олдида келтириб тасаввур килиши мумкин. Бундай холатда эса маълум бир разиллик, фитна содир бўлади. Усома ибн Зайд айтади: *«Расулulloх Соллаллоху алайхи*



Ислом Нури

васаллам менга Дихятул-Калбий совга килган кийимни бердилар. Мен эса уни ўз аёлимга кийдириб кўйдим. Кейинрок Расулуллох мени кўриб : *«Нега (халиги) кийимингни киймаяпсан?»*– деб сўрадилар. Мен: *“Уни аёлимга кийдириб кўйдим»*,- деб жавоб бердим. Шунда у киши айтдилар: *«Аёлингга бориб айтки, унинг ичидан кўйлак кийиб олсин, токи унинг комати ва жисми билинмасин»*.

5. Хижоб атир ёки бошка хушбўй нарсалар билан хушбўйланган бўлмаслиги лозим. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Хушбўй нарсаларни сепиб шу холда эркаклар ундан келаётган хушбўй хидни сезишлари учун уйдан чиккан хар кандай аёл зинокордир»*.

6. Хижоб эркакларнинг кийимига ўхшамаслиги керак. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Ўзларини эркакка ўхшатган аёллар бизлардан эмас ҳамда ўзларини аёлларга ўхшатган эркаклар ҳам бизлардан эмасдир»*. Абу Хурайра розияллоху анху шундай деган: *«Расулуллох аёллар кийимини кийган эркакларни ва эркаклар кийимини кийиб юрувчи аёлларни лаънатладилар»*. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам мархамат килиб айтганларки: *«Инсонларнинг уч тоифаси борки, улар жаннатга кирмайдилар ва киёмат кунда Аллох уларга киё ҳам бокмайди: Ота-онасини хурмат килмаганлар, ўзини эркакка ўхшатган аёл, ўз аёлининг иффатини саклашга бепарво бўлган эркак»*.

7. Хижоб иймонсиз, кофир аёлларнинг кийимларига ўхшамаслиги шарт. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: *«Кимки кайси бир кавмга ўзини ўхшатса, бас у ўшалардандир»*. Абдуллох ибни Амр шундай деганлар: *«Бир куни Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам мени махсар бўёги билан заъфарон рангга бўялган кийимда*



Ислом Нури

кўриб: *«Бу иймонсиз кишиларнинг кийими, буни асло бошка киймагин,- дедилар.*

8. Хижоб кўзга ташланувчан, атрофдагилар назарини ўзига тортадиган бўлмаслиги лозим. Расулуллох бу ҳақда шундай деганлар: *«Бу дунёда одамлар кўзига ташланувчи кийим кийиб юрувчи кимсага Аллох киёмат кунда хорлик либосини кийдириб кўяди».* Кўзга ташланувчан ва ажралиб турувчи кийим, бу нарсани кийувчилар учун одамларнинг диккатини ўзига жалб қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу либос одамларнинг олдида гердайиб юрувчи мактанчок, кишининг кимматбахо, дабдабали кийими бўлиши ёки ўзининг зоҳидлигини намоёиш қилишга уринаётган риёкор кишининг жулдур кийими ҳам бўлиши мумкин.

Фитна кўзговчи таннозлик либосидан саклан

Эй менинг муслима синглим! Агар сен шариат юкорида келтирган шартларини билиб олган бўлсанг, шу нарсани тушуниб олишинг шартки, хижоб кийиб юрибман деган кизларнинг кўпчилиги аслида хижоб тутувчилар каторига кирмайди. Чунки уларда хакикий хижобнинг асаридан ҳеч нарса қолмаган. Бу ерда ўз номи билан аталиши лозим бўлган нарса бошқачарок ном билан аталмоқда. Зеро, улар ўз гўзаллигини намоёиш қилишни хижоб тутиш деб, шунингдек, Аллохга осийликни Аллохга итоат деб номламоқдалар.

Ислом тараккиётининг душманлари Исломни бошланишидаёқ бўғиб йўқ қилиш мақсадида ўзларининг «қарши қураш машина»ларини ишга солиб Исломни емиришга бор қучларини сарфладилар. Лекин Аллох таъоло уларнинг барча кирдикорларини барбод қилди ва қалбларида иймони собит бўлган мўмин ҳамда мўминалар Аллохга



Ислом Нури

итоат этишда содик колдилар.

Очик курашда муваффакият козона олмаган Ислом душманлари Ислом тараккиётини хидоят йўлидан огдириб юбориш мақсадида энг маккор ва энг разил усуллар билан зарба беришга касд килдилар. Улар ўзлари ихтиро килган янги нусхадаги хижобларни бу нарсани ўзаро мусулмонлар билан муроса, сулх деб номлаб фаол равишда тарката бошладилар. Шунингдек, улар бу нарса Аллохга итоат этишга хам, шу билан бирга жамиятни хам кониктиради, колаверса, аёл «гўзаллигини» хам мухофаза килади деб жар солдилар.

Шаръий хижобнинг кўп ерда кенг таркалганлиги боис иктисодий кийинчиликларни бошидан кечираётган мода уйлари хижобнинг хакикий маъносини бузиб кўрсатувчи ва аёл гўзаллигини кўз-кўз килувчи янги сунъий хижоб намуналарини бозорларга таркатдилар. Натижада ўша сунъий хижоблар «замонавий хижоб» деган жарангдор номга эга бўлди, холбуки, бу каби нарсалар аввалда эҳтиёткорлик ва танкид билан карши олинган эди. Ижтимоий кийинчиликларини даф килиш учун «муроса»га интилаётган суюкоёкларнинг маълум кисмини шаръий хижобнинг моддий зарбаси кийин ахволга солиб кўйди. Вакт ўтиши билан «замонавий хижоб» дея ном олган «фитна кўзувчи таннозлик либослари» хар ерда таркала бошлади. Ушбу ёмон отлик «хижоб»ни кийиб юрган кимсалар ўзларини намунали киз ёки аёл деб хисоблай бошладилар.

Замонавий хижобга ўралиб олган эй синглим! Ўз Роббинг Аллох ва пайгамбари рози бўладиган шаръий хижобга бу кийинишим мувофик келади деб кўр-кўрона инонишдан саклансангчи! Сенинг ушбу хатти-харакатингни мактаб, сенга ёмон маслахатлар бераётганларга алданиб колишдан эҳтиёт бўл. Буларнинг барчасига алданиб колмагин



Ислом Нури

ва ўзингга ўзинг таскин бериб, «менинг ахволим мана бу очик-сочик юрганлардан кўра яхшироқдир, ахир ахмокона иш ҳам яхши иш каби турли даражага эга-ку», – деб айтмагин. Сен хижоб тутиш шартлари ва шариатнинг буйруқларини маҳкам тутган такволи опа-сингилларингдан ибрат олишинг лозимдир.

Расулуллоҳдан ривоят қилинадикки, у киши шундай деганлар: *«Дунё ишларида ўзингиздан наст бўлган кимсаларга боқинг ва динда ўзингиздан юкори бўлган кимсаларга боқинг. Мана шу Аллохнинг сизларга берган неъматига нисбатан ношукур бўлмаслигингизга олиб борувчи бу энг муносиб ишдир».*

Умар ибн ал-Хаттоб Аллохнинг куйидаги оятларини ўқидилар: «Албатта “Парвардигоримиз Аллохдир», деб, сўнгра (ёлгиз Аллохга тоат-ибодат қилишда) тўғри-устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб (дерлар): **«Кўркманглар ва гамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушxabари билан шодланинглар!»** (Фуссилат сураси, 30-оят), сўнг у киши айтдилар: «Маккор тулкилар каби айёрлик қилмай Аллохга бўлган итоатларида собит турган кимсаларга Аллохнинг Ўзи мадақкор бўлсин».

Аллохга итоат этишда мустаҳкам ва огишмайдиган бўлинглар ва ҳақ йўлдан ҳар қандай залолатдан холи бўлган ҳолатда юриб боринглар. Ҳар қандай осийликни ташлаб чин дилдан тавба қилишга шошилинглар. **«Барчангиз Аллохга тавба қилинглар, эй мўъминлар! Шоядки, (шунда) нажот топсангизлар»** (Нур сураси, 31-оят).

Биз (ушбу буйруқни) эшитамиз ва унга итоат қиламиз.



Ислом Нури

Калби Исломга нисбатан мухаббат ва хурматга тўла бўлган чин мусулмон Кодир ва Буюк бўлган Роббисининг буйругини эшитиши биланок, дархол уни хаётига татбик этади. Бунда хакикий мусулмонлар ўзларининг воқеъдаги ҳолатини тасаввур кила олмайдиган ва ўз такдирига беъътибор, ўзини йўқотиб қўйган кишилар тўдасига парво қилмаган ҳолларида Расулуллохнинг суннатларига итоат этадилар.

Аллох Буюк ва ҳар ишга Кодир зотдир. У Зот Ўзига ва пайгамбарига итоат этишдан бўйин товлаган кишиларнинг иймонини тан олмайди. Аллох таъоло айтган: **«Улар (яъни мунофиқлар): «Аллохга ва пайгамбарга иймон келтирдик ва бўйсундик», дейдилар-у, шундан кейин улардан бўлган бир гуруҳ юз ўгириб кетур. Улар мўъмин эмасдирлар. Қачон улар Аллох ва Унинг пайгамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорлансалар, баногоҳ улардан бир гуруҳи (пайгамбар ҳузурига келишдан) юз ўгирувчидир. Агар хақиқат улар (тарафда) бўлса, (пайгамбар олдиларига) бўйин эгиб келурлар. Уларнинг дилида мараз борми ёки Мухаммаднинг ҳақ пайгамбар эканлигидан шубҳадаларми ёхуд Аллох ва унинг пайгамбари ўзларига зулм қилишидан кўрқадиларми?! Йўқ уларнинг ўзлари золимдирлар! Аллох ва унинг пайгамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида, мўъминларнинг сўзи «эшитдик ва бўйинсундик» (демокдир). Ана ўшаларгина нажот топгувчилардир. Қим Аллох ва унинг пайгамбарига бўйинсунса ва Аллохдан кўркиб такво қилса, бас, ана ўшаларгина (бахт-саодатга) эришгувчилардир»** (Нур сураси, 47-52).

Сафийя бинти Шайба розияллоху анҳо айтган: «Биз Оиша розияллоху анҳонинг уйида бўлганимизда курайш аёллари ва уларнинг



Ислом Нури

фазилатлари хакида сўз очганимизда Оиша айтдиларки: «Курайш аёллари фазилат эгаларидир. Лекин Аллохга касам ичиб айтаманки, мен ансорий аёллардан кўра Аллохнинг китобини тасдиқловчирок ва унинг оятларига иймонлироқ аёлларни кўрмадим». «Нур» сурасидан ушбу оят нозил бўлди: «... **кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар**» (*Нур сураси, 31-оят*). Ушбу илохий хукмдан сўнг ансорий эркаклар ўз аёлларига бориб Аллох нозил қилган оятни уларга тиловат қилиб бердилар. Ансорларнинг ҳар бир эркаги ушбу оятни ўз хотини, кизи, опа-сингиллари ва барча қариндошларига тиловат қилиб берганларида буни эшитган ҳар бир аёл Аллохнинг Ўз китобида нозил қилган хукмига иймон келтириб, уни бажаришга интиланган ҳолларида дарҳол изор-лўнгиларини олиб унинг бир бўлагини йиртиб бошларига ёпдилар ва кўкракларини ёпинчик билан ўрадилар.

Хуллас, Аллохнинг буйруғи билан баробар келадиган ҳеч нарса йўқ ва ҳеч қандай иккиланишсиз Аллох таъолонинг амрини бажариш лозим. Тавба қилгин, муслима синглим! «Мен келажакда тавба қиламан, намоз ўқийман, хижоб тутаман» деган сўзлардан йирок бўл. Чунки тавба қилиши лозим бўлганлар учун тавбани ортга суриш ҳам гуноҳдир. Мусо алайҳис салом айтган қуйидаги сўзларни сен ҳам такрорлагин: «**Мен эса сен рози бўлишинг учун шошдим, Парвардигорим!**» (*Тоха сураси, 84-оят*).

Шунингдек, аввалги мўъмин ва мўъминалар айтган қуйидаги гапларни сен ҳам айтгин:

«Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни магфират қилишингни сўраймиз. Ва факат ўзингга қайтажакмиз» (*Бақара сураси, 285-оят*).



Ислом Нури

Хотимада Оламларнинг роббиси Аллох таъолога хамду санолар айтамиз!

Таржимон ва нашрга тайёрловчи:
Умарали Курбон

Куръон оятларининг ўзбек тилидаги матнлари Алоуддин Мансур таржимасидан олинди.

Китобчанинг рус тилидаги матни интернет тармоги оркали «www.badr.esmartkid.com» вебсаҳифасидан олинган.

- Доб калтакесаксимон судралувчи бўлиб, ўз инини ер остидан қовлайди. Унинг гўшти калтакесакнинг акси ўларок истеъмол қилинади, хусусан ўтга тоблангани. Расулуллоҳга ҳам уни тақдим қилинганида «Сизлар еяверинглар мен уни еб ўрганмаганман» деб жавоб берганлар. Добни баъзи уламолар ботмунчок деб ҳам атаганлар валлоху аълам.